

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВА НАРГИЗА ХАМРАҚУЛОВНА

**АЛЬБЕР КАМЮ ПРОЗАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(«Сизиф хақида афсона», «Бегона» ва «Вабо» асарлари мисолида)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Science**

Турсунова Наргиза Хамракуловна Альбер Камю прозасининг поэтик хусусиятлари.....	3
Турсунова Наргиза Хамракуловна Поэтические особенности прозы Альбера Камю	27
Tursunova Nargiza Hamrakulovna Poetic features of the prose of Albert Camus	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВА НАРГИЗА ХАМРАҚУЛОВНА

**АЛЬБЕР КАМЮ ПРОЗАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(«Сизиф ҳақида афсона», «Бегона» ва «Вабо» асарлари мисолида)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.02.PhD/Fil823 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қаршибаева Улжан Давировна филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Жўраева Малоҳат Мухаммадовна филология фанлари доктори, доцент Насиров Азимидин Нормаматович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz. Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 238-29-37

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси)

И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси педагогика фанлари доктори, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон адабиётшунослигида XX аср бошларига келиб, бадий адабиётда экзистенциализм оқими вужудга келди. Ушбу давр Европа адабиётида кўплаб ижодкорларни дунёга келтирди, булар М.Пруст, Ж.Жойс, Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр ва А.Камюлардир. Француз ёзувчиси ва файласуфи А.Камю ушбу йўналишда кўплаб асарлар яратган. Адабиётшунослар, файласуфлар ва психологлар томонидан А.Камю ҳаёти ва ижодини, фалсафий қарашларини, қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларини очиб бериш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Дунёда, жамиятда юз бераётган воқеалар ва шахсга нисбатан янги ёндашувларнинг вужудга келиши, адабиётшуносликдаги долзарб масала тадқиқи мазкур соҳа тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан шунинг учун мазкур соҳадаги муаммоларни англаб етиш ва уларга илмий жиҳатдан асосланган ечим топиш зарурати туғилади ва улар замонавий тадқиқотларнинг диққат марказида туради.

Дунё адабиётида XX аср экзистенциализмининг романтизм билан генетик алоқалари бузилиши, бадий адабиётнинг романтик қарашлардан чиқиб ижтимоий ҳаётдаги аниқ кечаётган муаммоларга ёндашиши романтизм моделининг тури ўзгариши, фалсафа ва адабиёт ўртасидаги чизиқлар хираланишига сабаб бўлди. Замонавий инсон экзистенциалистлар томонидан руҳий драмани бошидан кечираётган «иррационал, абсурд» қаҳрамон сифатида тақдим этилган. Янги давр мутахассислари экзистенциализм оқимининг ўзига хослигини тадқиқ этиши бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш зарурати юзага келганини кўрсатади. Ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб бориш тобора долзарблик кашф этмоқда.

Мамлакатимизда экзистенциализм йўналиши ҳозирга қадар тўлиқ ва чуқур ўрганилмаган соҳа, айнан француз адабиётининг экзистенциализм даври ижодкорлари асарларининг поэтик таҳлили бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Бундан кўриниб турибдики, ҳали-ҳамон чет эл адабиётининг экзистенциализм насрида ёзилган асарлари ўрганилиши лозим бўлган илмий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу ҳолат илмий изланувчиларни шу йўналишни тўлиқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўзбек китобхонини француз экзистенциализм йўналишида ёзилган асарлар билан яқинроқ таништиришга ундайди. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹. Шу маънода, экзистенциализм йўналишида ёзилган асарлар қаҳрамонларини ҳар тамонлама таҳлил қилиш бугунги кунда ғарб адабиётини ўрганаётган тадқиқотчилар олдида турган долзарб масалалардан бирidir.

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида француз адиби Альбер Камю ижодини ўрганиш ўтган асрнинг 50-60-йилларида бошланган эди. Ўтган йиллар давомида адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти, мазкур йўналишда яратилган асарлари ҳамда XX аср экзистенциализмининг ғоявий-бадий хусусиятлари таҳлилига бағишланган юзлаб мақола ва тадқиқотлар яратилди. Жаҳон адабиётшунослигида П.Нгуен Ван Нён, Ж.-Ж.Брошье, С.Арно-Гомез, А.Балакянлар¹ томонидан ўрганилган. Россиялик адабиётшунос-олимлар Е.П.Кушкин А.Камюнинг илк ижодини тадқиқ қилган, кейинчалик С.Л.Фокин А.Камю ёзувчи сифатида шаклланиш босқичларини ва ижодий тадрижини ўрганган. Россиялик адабиётшунос-олима В.В.Шервашидзе илмий асарларида экзистенциализм генеалогияси масаласига ўзгача қарашларини ифодалаган. Файласуф-олимлар И.Б.Сазеева, Л.М.Спыну, Л.Е.Кандалинцевалар² А.Камю ижодини ўрганишда янгича ёндашувларга кенг йўл очиб берган.

¹ Nguyen Van Huu P. La métaphysique du bonheur chez Albert Camus. Neuchâtel, 1962. – 248 p.; Brochier J.-J. Camus, mythe et réalité. Magazine littéraire, 1972, № 67-68, 178 p.; Balakian A. «Alienation and aridity: The climatic correlative in Camus' writings», W.T.Zyla et W.M.Aycock, Proceedings of the Comparative Literature Symposium, Albert Camus' Literary Milieu: Arid Lands (Lubbock Texas, Texas Technological University), 1976. – 205 p.; Arnaud-Gomez S. La polyphonie dans l'œuvre de Camus: de l'unité ontologique à la fracture discursive. Littératures. Université Michel de Montaigne - Bordeaux III, 2008. – 665 p.

² Кушкин Е.П. Альбер Камю. Ранние годы. – Л.: Прогресс, 1982. – 201 с.; Фокин С.Л. Альбер Камю: От «Счастливой смерти» к «Первому человеку» (Проблемы творческой эволюции): автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – С.-Петербург, 1991. – 19 с.; Фокин С.Л. Альбер Камю: Роман. Философия. Жизнь. – С.-Петербург: Алетейя, 1999. – 385 с.; Шервашидзе В.В. От романтизма к экзистенциализму: Творчество Андре Мальро и Альбера Камю. – М.: РУДН, 2005. – 156 с.; Шервашидзе В.В. А.Камю. Путь к роману

Ўзбек адабиётшунослигида М.Н.Холбеков, П.Қодиров, Й.Солижонов, С.Мамадиёрова, Д.Тўраев, У.Файзуллаева¹ каби олимлар ушбу муаммога маълум даражада тўхталиб ўтишган. А.Қосимов² А. де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижодида типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммоларини ўрганган. Х.Дўстмуҳаммад³ А.Камю эссеси («Сизиф ҳақида афсона») асосида «Донишманд Сизиф» асарини яратган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, А.Камю прозасининг поэтик хусусиятлари ҳозирги кунгача махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса ушбу тадқиқот мавзусининг монографик планда ўрганилишини тақозо қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Хорижий тилшунослик, адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср постмодернизм адабиётининг йирик йўналишларидан бири экзистенциализм даври адабиётини ва Альбер Камюнинг «Сизиф ҳақида афсона», «Вабо» ва «Бегона» асарлари поэтикасини тадқиқ ва талқин этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

француз насрида экзистенциализм йўналишининг юзага келиш тарихини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва XX аср адабиётида экзистенциализм оқими иждоқорлари асарларининг жаҳон адабиёти тараққиётидаги ўрнини аниқлаш;

экзистенциализм йўналиши XX аср бадиий ижодида янги модель сифатида юзага келган постмодернизмнинг кўринишларидан бири эканлигини ёритиб бериш;

«Сизиф ҳақида афсона» эссеси қаҳрамони мисолида инсон ёлғизликка маҳкум қилинганда ҳам енгилмаслигини исботлаш;

«Посторонний»: Монография. – Сухуми, 1987. – 210 с.; Сазеева И.Б. Нравственные ценности в философии Альбера Камю: автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Н. Новгород, 1999. – 25 с.; Спыну Л. М. Феноменология абсурдного в творчестве А. Камю: дисс. канд. филос. наук. – Москва, 2001. – 137 с.; Кандалинцева Л.Е. Проблема свободы в социальной философии Франции (А.Камю, Ж.-П.Сартр): автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М.: 1999. – 23 с.

¹ Холбеков М.Н. XX аср жаҳон адабиёти манзаралари (Тадқиқотлар, илмий - танқидий мақолалар). – Тошкент: Mumtoz so'z, 2020. – 705 б.; Холбеков М.Н. Структур адабиётшунослик: тадриж ва талқин // Сўз санъати. – Тошкент, 2018. – №2. – Б. 4-16.; Холбеков М.Н. Экзистенциализм: Альбер Камю // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2013. – №11: <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/muhammadjon-xolbekov-ekzistentsializm-alber-kamyu/>; Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – №12: <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/pirim-ul-odirov-manaviyat-moderniz/>; Солижонов Й. Сизиф ва абсурд // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2010. – №1: <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/j-ldosh-solizhonov-sizif-va-absurd/>; Мамадиёрова С. Альбер Камю публицистикасида инсон омили//Jahon adabiyoti va madaniyati: <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/alber-kamyu-ijodida-inson-omili.html>; Тўраев Д. Сизиф ривояти ўзбек адаби талқинида // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2018. – №6: <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/damin-toraev-sizif-rivoyati-ozbek-adibi-talqinida/>; Файзуллаева У. Виржиния Вульф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши: филол.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2020. – 51 б.

² Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): филол.фан ном... дисс. автореф. – Т.: 2007. – 45 б.

³ Хуршид Дўстмуҳаммад. Донишманд Сизиф. – Т.: О'zbekiston, НМИУ, 2016. – 360 б.

«Бегона» қиссаси қаҳрамони Мерсо талқинида «абсурд олам ва абсурд инсон» дунёсини очиб бериш;

«Вабо» романи ташқи дунёдан ажралиб қолган Оран шаҳри воқеаларини тасвирловчи солнома тарзида ёзилганлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ёзувчиси ва файласуфи Альбер Камюнинг «Сизиф ҳақида афсона» эссеси, «Вабо» ва «Бегона» асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ХХ аср Европа адабиётида юзага келган экзистенциализм йўналиши даври адабиёти ва Альбер Камю асарлари қаҳрамонларининг абсурд олами талқини хусусиятлари ҳамда поэтик таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвопоэтик, герменевтик, қиёсий, биографик ва бадиий матн таҳлили усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ХХ аср бадиий ижодида экзистенциализм йўналиши янги модель сифатида юзага келган постмодернизмнинг кўринишларидан бири эканлиги А.Камюнинг 40-йиллардан кейин ёзган асарларини ўрганиш асосида аниқланган;

Сизиф А.Камюнинг асосий афсонавий қаҳрамонларидан бири бўлиб, унинг Худолар томонидан ёлғизликка маҳкум қилинганлиги, умрининг охиригача харсанг тошни чўққига юмалатишдан тўхтамаганлиги ва енгилмаслиги далилланган;

«Сизиф ҳақида афсона» эссеси, «Бегона» қиссаси ва «Вабо» романи қаҳрамонларининг тақдирлари таққосланиб, ушбу яратилган образлар ўртасида мантиқий боғлиқлик борлиги асосланган;

«Бегона» қиссасида «абсурд дунё ва абсурд инсон» ҳолатларини тасвирлашда муаллиф турли бадиий тасвир воситаларидан фойдалангани ёритилган;

«Вабо» романида қаҳрамонлар ҳаёти ривожини кузатиш учун айнан ёпиқ Оран шаҳри макон сифатида акс этгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ХХ аср Европа модерн адабиётида экзистенциализм оқимининг генезиси, тарихий тараққиёт босқичлари, поэтикаси, ижтимоий, фалсафий ва эстетик омилларининг ўрганилганлиги адабиётшунослик фанидан яратилажак дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

француз насрида экзистенциализм йўналишининг юзага келиш тарихини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилганлиги А.Камю ижодининг фалсафадан адабиётга ўтишга таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш имконини берган;

«Сизиф ҳақида афсона», «Бегона» ва «Вабо» асарларида абсурд инсон ва абсурд оламнинг ўзига хос поэтик хусусиятлари ва қаҳрамонларининг руҳий олами очиб берилиши бугунги кунда ёш авлоднинг ўзлигини ҳамда

инсон тафаккурини англашида, илмий-фалсафий қарашларининг кенгайтишига хизмат қилишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. А.Камю ва унинг замондошлари бўлган атоқли адиб ва танқидчиларнинг фикрларига мурожаат қилинганлиги; асл (француз тилида) матнлардан диссертацияда фойдаланилганлиги ва аслият манбаларини изоҳларда кўрсатилганлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий матнларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, илмий хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, келтирилган далиллар республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** адабиётшунослиқда юзага келган экзистенциализм йўналиши ва «абсурд инсон» оламини ўрганишда, хусусан, инсонларнинг жамиятдаги ўзгаришларга таъсир этишида экзистенциализм оқимида яратилган асарларнинг ўзига хос жиҳатлари масалаларига ойдинлик киритишда, шунингдек, персонажлар ҳолатларини аниқлаш, инсон онги имкониятларини белгилаш ҳамда француз экзистенциализм йўналиши хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан республика олий ўқув юртларида «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи», «Жаҳон адабиёти», «Адабий алоқалар», «Замонавий хорижий адабиёт» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда, француз тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабалар ҳамда ўқитувчилар Европа модерн адабиётининг экзистенциализм тарихидан махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Альбер Камю ижодида экзистенциализм ғоялари, абсурд инсон ва абсурд оламини тасвирлашда поэтик тасвир хусусиятлари ва қаҳрамонлар руҳий оламини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Ж.-П.Сартр, А.Камю, Ж.Жойс, В.Вульфлар XX аср адабиётининг экзистенциализм йўналиши вакиллари бўлганлиги, ушбу ижодкорлар томонидан яратилган асарлардаги қаҳрамонларнинг «абсурд олами»га оид олинган хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан 2018-2020 йилларда амалга оширилган И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 2 мартдаги 533/30.0201-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва француз адиблари асарлари

қахрамонларининг абсурд олами инсон руҳий ҳолатига таъсири ҳақида маълумот олишга эришилди;

XX аср бадиий ижодида экзистенциализм йўналиши янги модель сифатида юзага келган постмодернизмнинг кўринишларидан бири эканлигига оид хулосалардан «*Littérature française du XX^e siècle*» (XX аср француз адабиёти) ўқув қўлланмасида XX асрнинг буюк ёзувчилари ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, бадиий асарнинг қисқача мазмуни, асарнинг пайдо бўлиши, француз тилида бадиий матндан парча, матн юзасидан саволлар, матнга доир француз, рус ва ўзбек тилларида луғат ва асарнинг ҳар бир қахрамонига таъриф берилган бўлиб, у 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (француз тили), 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (француз тили) бакалаврият таълим йўналишининг «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти» фанидан қўлланма сифатида тавсия этилади. Мазкур қўлланмада экзистенциализм вакиллари Ж.-П.Сартр ва А.Камю ҳаёти ва ижоди ёритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги “356”-сонли буйруғига асосан). Натижада қўлланмада А.Камюнинг 40-йиллардан кейин ушбу йўналишда ёзган асарлари ҳақидаги маълумотлар киритилган ва бу соҳада талабалар билимининг бойишига хизмат қилган;

XX аср Европа модерн адабиётида экзистенциализм оқимининг генезиси, тарихий тараққиёт босқичлари, поэтикаси, ижтимоий, фалсафий ва эстетик омилларининг ўрганилганлиги адабиётшунослик фанидан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг вакили (*Ambassade de France en Ouzbékistan*), маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича атташеси томонидан берилган маълумотномаси илмий иш натижалари француз экзистенциализмининг фундаментал манбаларини ташкил этганлигини тасдиқлайди (маълумотнома 2021 йил 20 январда берилган). Натижада XX аср адабиётида экзистенциализм оқими ижодкорлари Ж.-П.Сартр ва А.Камю асарларида «абсурд дунё ва абсурд инсон» ҳолатларини муаллиф ёрқин тасвирлаш орқали, икки миллат адабиёти ўртасидаги алоқани кучайтириш ва ғарб адабиёти билан кенгрок танишиш имконини берди;

француз экзистенциализм адабиётига, айнан Альбер Камю асарларига бўлган қизиқишни оширишга оид хулосалардан Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги адабиёт соҳасидаги маданий алоқалар дастурида фойдаланилган (Ўзбекистондаги Франция элчихонаси қошидаги «*Alliance Française*» ўқув марказининг 2020 йил 5 октябрдаги 110-сон маълумотномаси). Натижада XX аср бадиий асарларида учрайдиган айрим анъанавий жиҳатлар, хусусан, ҳозирги кунда инсоният ҳаётида муаммога айланиб бораётган «абсурд» ҳолатнинг жаҳон адабиётидаги бадиий талқинига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий тасаввур ва тушунчаларни бойитишга ёрдам берган;

А.Камюнинг «Вабо» романининг таҳлили асосида олинган хулосалардан Самарқанд вилояти радиоси «Сухбатдош» эшиттиришида фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 14

октябрдаги 09-01/307-сон маълумотномаси). Натижада Ғарб адабиёти тингловчиларбнинг қизиқишини оширишга хизмат қилган ҳамда XX аср бадиий ижодида янги модель сифатида юзага келган экзистенциализм постмодернизмнинг кўринишларидан бири эканлиги А.Камюнинг «Вабо» романи қаҳрамонлари талқини орқали ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари муаллифнинг 10 та илмий-амалий анжуманларда, 8 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 4 та мақола чоп этилган, хорижий илмий нашрларда 5 та мақола, SCOPUS рўйхатига киритилган журналда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти таъкидланган, ишончлилиги, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XX аср француз экзистенциализм оқимининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, Ғарбий Европада ва АҚШда экзистенциализм адабиёти пайдо бўлиш масалаларига бағишланган. Жанр ва услуб нуқтаи назаридан XX аср адабиёти ўзининг эклектик жиҳати билан ажралиб туради: XIX аср охирида пайдо бўлган йўналишлар (натурализм, символизм, неоромантизм, реализм)дан воз кечмаган ҳолда, адабиёт ва санъатда мутлақо янги оқим ва йўналишларга асос сола бошлайдилар. Австриялик психолог З.Фрейд ғоялари ва назарияларидан илҳомланган шоир А.Бретон адабиёт ва тасвирий санъатда сюрреализм деб аталмиш янги йўналиш юзага келганини эълон қилади. Бу – ақл, мантиқ ва ахлоққа қарши ўзига хос раддия, исён бўлди: «фикрни сўз, ёзма ёки бошқа бирор шаклда баён этувчи рухий автоматизмгина фикрнинг реал фаолияти бўла олади. Ақл назоратидан холи ҳар қандай фикр, эстетика ва ахлоқнинг барча меъёрларидан ташқаридадир»¹. «Постмодерн туғилиши 1960-1970 йилларда рўй берди, у мантикий ва ўзига хос «суперасослар ўлими»дир: Ницшенинг фикрига кўра – худо, Бартнинг фикрига кўра –

¹ Большая энциклопедия. Электронная версия, 2008. Авторы статьи: Е.Д.Гальцова (литература), П.М.Степанова (театр), А.С.Плахов (кино), В.А.Крючкова (изобр. искусство).

муаллиф, инсонийликнинг таназзули»¹. Кейинги мулоҳазалар учун адабиёт эволюциясининг айнан мана шу – Альбер Камю даври ижодининг гуллаган даври муҳимдир. Унинг ижоди тадқиқотчиларидан бири Пьер Нгуен Ван Нён адолат юзасидан шундай қайд этган: «Камю бир вақтнинг ўзида энг кенг танилган ва энг оз тушунилган»². Бу эътирофга қўшилмаслик мушкул, негаки, ҳаётлик чоғида унинг асарлари танқидчилар эътиборига унчалик тушмаган, вафотидан сўнг эса адиб ижодига бағишланган бир қанча ишлар: мақолалар, монографиялар ва диссертациялар ёзилди – адабиётшунослик, фалсафа, тарихда тадқиқ қилинди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ж.-Ж.Брошьенинг А.Камю ижодий мероси ҳақидаги башорати батамом ҳақ бўлиб чиқди: «Яна бироз вақт ўтгач, Камю бутун бўй-басти билан намоён бўлади: унинг сиймоси ва мероси университет диссертациялари ва диплом ишлари учун бой манбага айланади»³. Ҳақли савол туғилади: Камю ижодининг тадқиқотчида бундай фикр туғдириши сабаби нимада? Бу саволга америкалик танқидчи, журналист, адибнинг илк биографларидан бири Г.Лоттман ибораси орқали жавоб бериш мумкин: «...турли мамлакатларда яшовчи тадқиқотчиларнинг ишлари мужассамланган тематик тўпламлар, библиографик маълумотномалар чоп этилиши, илмий симпозиумлар ўтказилиши – буларнинг бариси олимлар томонидан Камю меросини тизимлаштириш ва уни «англаш учун мос қўлланма топиш» ҳаракатларининг маҳсулидир»⁴. Бироқ, бугунга қадар олиб борилган тадқиқот ва кузатишлар ҳануз Камю ижодининг тўлиқ таҳлилини бера олмайди.

80-90 йилларда филология фанлари доктори В.В.Шервашидзе Камю ижодини таҳлил қиларкан, «асосий аспектларда... экзистенциализм ва романтизм ўртасида ирсий алоқа мавжудлигини таъкидлайди... Камю эссеистикасидаги кутблилик тамойили, Киркегорнинг парадокслар ҳақидаги таълимотига бориб тақалади. Киркегор, «романтизмни кулатиб, бир вақтнинг ўзида уни яқунлаган», романтик кинояни «эстетик чиқиш» деб атаган. Романтик ирония эстетизмига у ҳаёт фожиавийлигини ҳушёрлик ва саробларсиз англашнинг экзистенциал феълени қарши қўйди»⁵.

Экзистенциализм – бу романтик моделнинг ўзгарган кўриниши бўлиб, фалсафа ва адабиёт ўртасидаги тўсиқнинг олиншига омил бўлади.

А.Камю «Худосиз дунёда, диний даъволардан холи инсонпарвар ахлоқ бўлиши, дунёда ёвузликнинг камайишини таъкидлаб, одамларни ишонтиришга уринади»⁶.

Ўрта ер денгизи мавзуси, хусусан, мифлар мавзуси Камюнинг ижоди давомида марказий мавзу бўлиб қолади. Филолог С.Арно-Гомез

¹ Новый философский словарь. Постмодернизм. – Мн.: Современный литератор, 2007. – С. 425.

² Nguen Van Huu P. La métaphysique du bonheur chez Albert Camus. – Neuchâtel, 1962. – P.3.

³ Brochier J.-J. Camus, mythe et réalité // Magazine littéraire. – № 67-68. – 1972. – P.9.

⁴ Lottman H. Camus A. – P.: Seuil, 1985. – P.617-618.

⁵ Шервашидзе В.В. От романтизма к экзистенциализму: Творчество Андре Мальро и Альбера Камю. – М.: РУДН, 2005. – С.41, 44.

⁶ Сазеева И. Б. Нравственные ценности в философии Альбера Камю: автореф. ... дисс... канд. филос. наук: – Н. Новгород, 1999. – С.4.

таъкидлаганидек, ўзининг бутун ижодий йўли давомида «...у [Камю] Лабиринтга тушган одам... Ариадна ипи, ҳа, ўша, Ҳақиқатга олиб борувчи ипни қайдан топса экан? Гўё, Камю ҳеч қачон зиддиятли туйғулардан халос бўла олмайдигандек... Ушбу зиддиятлар Камюнинг барча катта-кичик асарларида мавжуд, шу контекстда муаллифнинг ўз даврига муносабати, ўз даври ва маконида инсонни эркин кўриш, унинг ҳуқуқларини тиклаш истагидаги ички изтироблари акс этади»¹. Шундай қилиб, Альбер Камю фалсафасининг бош ғоялари мифологик образларда (Сизиф, Прометей, Елена, Немезида, Аид, Орфей) ифодалангани аён бўлди. Камю асарларидаги юнон афсоналари сюжетлари, қаҳрамонлари нисбати ҳамда муаллифнинг ўзи томонидан яратилган мифологик образларни тадқиқ этган.

М.Н.Холбековнинг «XX аср жаҳон адабиёти манзаралари» номли мақолалар тўплами 2020 йилда чоп этилган. Унда олим XX аср адабиёти тараққиётига синчков назар ташлаб, ривожланиш йўлини босқичларга бўлиш – шартли ҳодиса эканлигини таъкидлайди: «...миллий адабиётлар наздида мавжуд бўла туриб, маълум маънода уларнинг ҳал қилувчи, муҳим воқеа ва ҳодисаларини ўзаро қориштириб юборадиган ушбу «тўлқин» ўзини гоҳ 1910 йиллар немис экспрессионизми, гоҳ 1920 йиллар инглиз-америка модернизми, гоҳ 1930-1940 йиллар француз экзистенциализми андозасидаги проза, гоҳ 1950 йиллар «абсурд театри» орқали намойиш қилиб, 1960 йилларда Лотин Америкасигача етиб борди-да, ўша ерда инқирозга юз тутиб, ўз кучини йўқотди. Модернизм йўриқларининг «кўтарилиши» ва «пасайиши» каби ҳолатларни ўзида жамлаган бу каби долғали ҳаракатнинг даврларга бўлиниши ўта даражада шартлидир»². Экзистенциализм адабиётида Ғарб тамаддунининг инқироз танглиги, мавжудликдан маъно йўқлигини ҳис қилиш, инсон ҳаётининг енгиб бўлмас фожиасини тасвирлаш – унинг ёлғизликка маҳкумлиги, ётсираш, бегоналик ҳисси, душман дунёда ташландиқ аҳволга тушиш, «чегара ҳолати»га тушган инсоннинг ахлоқий танлови акс этади.

Францияда экзистенциализм немис фалсафаси (Гуссерль, М. Хайдеггер, Ф.Ницше) таъсирида ёйила бошлади, «экзистенциализм» атамасининг ўзи ҳам немис файласуфи Ясперс томонидан 1931 йилда киритилган. Француз экзистенциализми ривожига Иккинчи жаҳон урушининг фожиали воқеалари ва Қаршилиқ ҳаракати таъсир кўрсатди. Франциянинг енгилиши ва оккупация даври воқеалари, Хиросима ва Нагасакига атом бомбалари (1945 йил августда) ташланиши билан боғлиқ даҳшатлар, урушдан кейинги йилларда «совуқ уруш»нинг бошланиши, инсоният бошига тушган бахтсизликлар занжир каби уланиб кетиши абсурд фалсафасининг туғилишига олиб келди. Ушбу экзистенциал фалсафа ўз моҳиятига кўра инсон ҳаётидаги маъно-мазмун йўқолиши, одамзод тақдиридаги умидсизликка ечим топиш истагини акс эттиради. Айнан мана

¹Arnaud-Gomez S. La polyphonie dans l'œuvre de Camus: de l'unité ontologique à la fracture discursive. Littératures. Université Michel de Montaigne-Bordeaux III, 2008. – P. 11-12.

²Холбеков М.Н. XX аср жаҳон адабиёти манзаралари (тадқиқотлар, илмий-танқидий мақолалар). – Т.: Mumtoz soʻz, 2020. – Б. 24..

шу ғоялар яқин бир неча ўн йилликларда илғор француз зиёлилари тафаккурида пишиб етилди, мазкур ғояга бағишланган бир қанча роман ва пьесалар пайдо бўлиб, катта шуҳрат қозонди. Ушбу фалсафа, шунингдек, сиёсий доираларга ҳам таъсир кўрсатди, баъзан муштараклик, баъзида эса марксизм мафкураси билан зиддиятлар ҳам намоён бўлди.

Абсурдга кўра инсон, ғофил ва ожиз, «озод бўлишга ҳукм қилинган» ва асло инсон кадр-қимматига зид ҳамда ёлғон қолипларга солинмаслиги шарт. Шу билан бирга, у ўзи қарши турган ҳар қандай вазиятга мазмун бахш эта олиши лозим. Юқоридагилардан англашиладики, инсон ўз атрофидаги жараёнлар учун масъулиятли, вазият тақозоси инсонни «табиий» оқибатларга етаклайдими, ёки, инсон вазиятни назорат қилмоғи нималарга боғлиқ, деган савол ҳам масъулият самарасидир. Ушбу масъулият туйғуси инсонни сиёсат билан яқинликка ундайди. Айнан Камю – француз ёзувчи ва файласуфи, аллома Сартр билан бирга бир неча ўн йиллар давомида илғор зиёлилар ўртасида «фикрлар ҳукмдори» деган юксак мартабага эришиб, шу мавқеда ҳануз тилга олинадилар. Жанрлар хилма-хиллиги, ғаройиб фалсафий ва адабий истеъдоди Камюга адабий-фалсафий мактаб яратиш, шу асосда замон, инсон, қадриятлар ва ҳаёт маъносини ўзига хос англаш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**А.Камюнинг «Сизиф хақида афсона» эссеси поэтикаси**» деб номланган бўлиб, Камю ижодида мифологизм манбалари, антик бош қаҳрамон Сизифнинг метаморфозалари ва муаллифнинг эсседа *Alter ego* масалалари ёритилган.

Қадимги юнонлар бутун дунё аҳлига жуда бой маданий мерос қолдирганлар. Бизнинг давримизгача етиб келган Қадимги Юнонистон афсоналарида уларга хос дунёқараш ва оламни англаш акс этган. Бу кўхна асотирлар ҳануз олимлар ва адабиётшунослар диққат-марказидан тушмаётир. Улар орасида француз экзистенциалист адиби Альбер Камю ҳам бор. Ҳаётлигида «Ғарб виждони» деган фахрли ном олган Камю фикрига кўра, юнон афсоналари – у ўзини худди уйидагидек ҳис этадиган дунёдир («*Le monde où je suis le plus à l'aise: le mythe grec*»¹). «Вабо» (*La Peste*) романида Камю ўз анъанасини давом эттириб, афсонавий персонажларга яна мурожаат қилади. Роман Оран шаҳри тасвири билан бошланади: аҳоли, уларнинг одатлари, қайғу ва ғамлари юнон афсоналарига мажозан, фақатгина Камюга хос услубда ёритилади. Романни ёзиш жараёнида у устози Жан Гренъега дил очади: «Мабодо, Оранга тушиб қолсангиз, ташқи дунёдан нақадар узилишингизни тасаввур қилиш мушкул. Бу ҳақиқий *лабиринт*. Ҳар бир кўча муюлишида одамлар нохушлик деб аталмиш Минотаврга дуч келаверади»². Тўртинчи бўлимда, К.В.Глюкнинг «Орфей ва Эвридика» операси томошасида миз. Бу томоша бизни шаҳар ва унинг ҳар бир фуқароси бошига тушган фожиадан гўё чалғитиши лозим. Романнинг бу лавҳаси фожиада акс этган ҳақиқатга ишора қилади: «Ким

¹ Camus A. *Œuvres complètes*. – P.: Gallimard, Bibliothèque de la Pléiade, 4 vol., 2008. – P.1085.

² Ibid., p.573.

сезгандир, иккинчи актда Орфей Ерости подшоҳлиги ҳукмдорига бир қадар кўтаринки, аммо, титроқ овозда мурожаат қилади, ваҳоланки, бундай бўлиши керак эмас, негаки унинг кўзёшлари Аид кўнглини юмшатиши мумкин»¹.

Шундай қилиб, келтирилган мисолларга кўра, муаллиф матни архетип воситасида тўлдириш учун афсонавий сюжетларга мурожаат қилади, масалан, «Вабо» романидаги афсона ва персонажлар фожиавий оҳангни кучайтириш ўлароқ муайян вазифа ҳам бажаради. Бу эпизод «Сизиф ҳақида афсона»да Эдип айтган иборага оҳангдош: «Айнан шу дақиқадан фожа бошланади»². Келтирилган парчада афсона ва рамз (*символ*) алоқаси яққол кўринади, чунки Орфей ва Эвридика ҳикояси – бу шунчаки афсона эмас, бу туб моҳиятига кўра инсон тақдири демакдир. Бундан ташқари, «Сизиф ҳақида афсона» ва «Вабо» романини таққослаб, улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўриш мумкин: роман охирида бош қаҳрамон доктор Риэ оғир айрилиқ – хотинининг ўлиmidан сўнг яна касаллик билан курашиш мақсадида ишга қайтади. Бу худди Сизифнинг сўнмас ғайратини эсга солади: «... жамийки инсонийликнинг келиб чиқиши умуминсонийликка уланиши»га ишончи комил, у «ҳануз ўз йўлида давом этаётир»³.

Ж.Сарокки томонидан ифодаланган фикр Камю ижодида афсоналарнинг роли ҳақида яққол кўрсатма беради: «Тоққа харсангтошни думалатиб бораётган Сизиф, қувғиндаги гўзал Елена, оролдан-оролга сузиб юрган толмас Одиссей, юрагини ўлаксахўр чўкиб кетадиган кўркмас Прометей, улкан замонавий шаҳарда пайдо бўлган Минотавр – бу афсонавий персонажлар инсон тақдирига ўзгача услуб бағишлайди...»⁴

Камю, шунингдек, ақл-идрок масаласини ҳам кўриб чиқади: «Ақлнинг биринчи галдаги вазифаси – ҳақиқатни ёлғондан ажратиш». Бошқа томондан Камюнинг таъкидлашича, ҳар қандай фикр манбаи – инсон. «...Ягона доимий интилиш ва Мутлақ зот соғинчи, инсон фожиаси мағзини акс эттиради...Сукротнинг «Ўз-ўзингни англа» деган ҳикмати, хатибларимизнинг «яхши одам бўл», деган ўгитидан сира афзал эмас... Бу буюк ҳақиқатлар билан беҳуда ўйнашиш, демакдир...»⁵ Демак, Камю учун «Мен» Ягона бўла олмайди, аксинча, бу маконда ёйилган махлуқот «Мен» – кўп қиёфали ва у бирорта аниқ тавсифга мос тушмас, ҳамда уни аҳамиятли тушунчалар қаторига қўйишнинг-да имкони йўқ.

Атоқли мутафаккирларнинг юқоридаги масала юзасидан билдирган фикрларига Ясперснинг муносабати: Ясперс «ҳар қандай онтологиядан биз содда бўлмаслигимиз эвазига воз кечади..., шунда «ягона реаллик – «ҳеч

¹ Великовский С.И. Грани «несчастливого сознания». Театр, проза, философская эссеистика, эстетика Альбера Камю. – М.: Искусство, 1973 – С.171.

² Camus A. Œuvres complètes. – P.: Gallimard, Bibliothèque de la Pléiade, 4 vol., 2008. – P.303.

³ Ibid., p.304.

⁴ Sarocchi J. Les Critiques de notre temps et Camus. – P.: Garnier, 1970. – P.182-188.

⁵ Камю А. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство: Пер. с фр. – М.: Политиздат, 1990. (Мыслители XX века). – С.31-32.

нарса» ва ягона мослашув – чорасиз тушкунликдир (плеоназм)»¹ деган фикрни билдиради.

Кьеркегор «таскин, ахлоқ ва хотиржамликнинг барча тамойилларини рад этади». У узлуксиз оғриқ ва изтироблардан пора-пора бўлган юрагини оммага намоён қилади, тиниқ ақл ила ўз-ўзини яратаётган рух, абсурд ва иблисона майллар... абсурднинг устун реалликка қарши кураш руҳи ана шундай»².

Камю ҳудкушлик муаммосига ёндашади: «Ушбу бўғувчи осмон остида яшаш – кетиш ёки қолиш ҳақидаги танловдан иборат. Қандай кетиш ёки нега қолиш кераклигини яхши англаш керак... Менинг экзистенциал фалсафа хулосаларига қизиқишим ана шу саволларга жавоб олиш билан боғлиқ, – дейди у мазкур саволга муносабатида»³.

Муаллиф абсурдни таҳлил қиларкан, абсурд «элементлар тўқнашуви»дагина пайдо бўлади ва уларни таққослаш лозим, деган фикрга келди. Масалан, «...агар пичоқ билан қуролланган одам автоматчилар гуруҳига хужум қилса, мен унинг бу ҳаракатини абсурд деб ҳисоблайман... Чунки унинг мақсади ва реаллик ўртасидаги *диспропорция* шундан дарак беради. Реал куч ва қўйилган мақсад ўртасидаги зиддият»⁴. «Абсурд инсонда эмас (агар шундай таъриф жоиз бўлса), абсурд дунёда ҳам эмас, балки уларнинг биргаликдаги иштирокидадир»⁵. Бу факт ҳам мутлақо мантикийдир.

Шу тариқа, **УЧЛИК** юзага келади:



Бирор таркибий қисмни йўқ қилиш ортидан унинг ўзи барбод бўлиши хавфига дуч келади: абсурдни инсон онги ва дунёдан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Масаланинг ечими шундан бошланади: агар лоақол бирор таркибий элемент етишмаса, зиддият ва адоқсиз кураш юзага келади: «Абсурдга бўйсунмаган тақдирдагина у «мазмун» касб этади»⁶.

¹ Камю А. Бунтуящий человек. Философия. Политика. Искусство: Пер. с фр. – М.: Политиздат, 1990. (Мыслители XX века). – С 36.

² Ўша манбадан, б.37.

³ Ўша манбадан, б.38.

⁴ Ўша манбадан, б.39.

⁵ Ўша манбадан, б.39.

⁶ Ўша манбадан, б.39.

Абсурд озодлик ҳақида фикр юритаркан, Камю ўқувчини афсонавий қаҳрамонларга, бу гал Эвридика (у юнон афсонасидаги Орфейнинг хотини, илон чақишидан ўлган. Орфей унинг кетидан Аид ер ости салтанатига тушади, хотини Эвридикани ер юзига олиб чиқишга рухсат олади. Фақат шарт шуки, то уйига боргунига қадар аёлининг юзига қарамайди. Афсуски, Орфейнинг сабри чидамай, тақиқни бузиб, йўлдаёқ хотинига боқди ва Эвридика ўликлар салтанатида абадий қолади): «Эвридикадан фарқли ўлароқ, абсурддан юз ўгирилганда, у ўлади»¹. Бу ерда муаллиф метафорик киёс, юқори даражадаги аллегориядан фойдаланган.

Инсон ботинидаги чуқур ички исённи фақат ақл-идрок босишга қодир. Бу фикрни Камю шижоатли, шу билан бирга абсурд Сизиф ҳақидаги эссесининг охириги бўлимида таъкидлайди: «...Сизиф – абсурд қаҳрамон... Унинг худоларга нафрати ва ўлимдан ҳазар қилиши ва яшашга бўлган иштиёқи ўзига ақл бовар қилмас азоб-уқубатлар келтирди... Сизифнинг унсиз шодлиги ҳам шунда»². Аидни алдаб, ҳаётга қайтган Сизиф гуноҳи учун худолар томонидан жазоланади: ўшандан буён у улкан харсангтошни тоққа думалатиб олиб чиқиш билан машғул: чўққига етгани заҳоти тош пастга думалайди, Сизиф қайтадан ишга киришади – бу заҳмат абадий давом этади. Камю ўзини Сизифга қиёслайди. Муаллиф мазкур юнон мажозидан «инсон қисмати» тушунчасига аниқлик киритиш ва дунё абсурдлигини қандай енгиш борасидаги мулоҳазаларида фойдаланади.

Ишнинг учинчи боби «**А.Камюнинг «Бегона» ва «Вабо» асарлари поэтикаси**» деб номланган бўлиб, «Бегона» (*L'Étranger*, 1942) ва «Вабо» (*La Peste*, 1947) асарлари таҳлил қилинган. Асарларда бош қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва жамиятдаги ўрни каби масалалар ёритилган. «Бадий тасвир усулининг нолинчи даражаси, ёки оқ хат»³ – француз танқидчиси Ролан Барт «Бегона»даги Камю насрини ана шундай тавсифлаган. «Бегона» роман-қиссасининг бир сюжетига мурожаат қиламиз. Воқеалар француз Жазоирида содир бўлади. Асарнинг биринчи саҳифалари ўқувчига фожиавий саҳнани очади: бош қаҳрамон – Артур Мерсо, онаси вафот этгани ҳақида телеграмма олади. Шундай қилиб, қисса онанинг ўлими билан бошланади: наср услуби аниқ-равшан: «*in medias res*» (*au milieu des choses*), ўқувчи балоғатга етган ёш инсон, ҳозиргина онасидан жудо бўлганини англайди. Мерсо онасининг тобути ёнида турса-да, йиғлаши тугул, унда ғам асари сезилмас, волидаси юзига сўнгги бор боқиш ўрнига, азага келган одамларни кузатиб турарди. Онасининг дафн маросимидан кейинҳам, на ғам, на ҳасрат ва на афсус чекмаган одам ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Бир неча йил бурун онасини ғарибхонага олиб келгани ва унинг аҳволидан жуда аҳён-аҳёндагина хабар олгани нима? Айниқса, Мерсо бир томчи ёш тўкмагани хайратомуз. Балки бу, иккиюзламачилиқдир? Муаллиф онанинг ўлими ва дафн маросимларига оид бир қанча иборалар («*morte*» – мархума, «*décédée*» –

¹ Камю А. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство: Пер. с фр. – М.: Политиздат, 1990. (Мыслители XX века). – С.53.

² Ўша манбадан, б.90-92.

³ R.Barthes. *Le Degré zéro de l'écriture*. – Paris: Seuil, 1972. OCR & Spellcheck: SK (ae-lib.org.ua), 2004.

омонатни топширган, «enterrement» – жаноза, «veiller» – навбатчилик қилмоқ, «condoléances» – таъзия изҳор қилиш, «deuil» – мотам ва ҳ.к.)ни ишлатса-да, буларнинг бирортаси Мерсонинг ички изтироб ва аламларини очиб бера олмайди. Иттифоқо, Раймон исмли қўшнисини ва дўсти, Мерсодан кўмак сўради – маъшуқасини араб қизига хат ёзиб берса; шунда қизни хуфёна тузоққа илинтириб, хиёнатини учун бошлаб адабини бермоқчи экан. Бу қабих ишда Мерсо дўстинини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бир куни Мерсо якшанба кунини Мари ва Раймон исмли дўстлари билан денгиз соҳилида ўтказишни мўлжаллайди. Қумлоқ пляжда юрган икки араб уларни кузатиши шубҳали туюлади. Бошланган муштлашувда Раймон яраланади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Мерсо дўстлари билан соҳилда юрса, яна ўша арабларга дуч келадилар. Раймон Мерсога револьверини беради. Мерсо юз берган қотилликни изоҳлаш учун бирорта жўяли сабаб-баҳона тополмайди: ахир, жазирама об-ҳаво ёки қуёшда кўзи қамашгани сабаб бўла олмайди: « *A cause de cette brûlure que je ne pouvais plus supporter, j'ai fait un mouvement en avant...*»¹ – *Маъноси*: Жазирамада ўзимни идрок этмаган ҳолда ҳамлага ташландим... Мерсо ҳибсга олинадиган, руҳоний жиноят сабабини билиш мақсадида суҳбат йўриғини Худо мавзусига буради. Бунга жавобан Мерсо Худога ишонмаслигини айтади. Хўш, унда Мерсонинг қилмишини қандай изоҳласа бўлади? Қотиллик қилган одамни оқлаш мумкинми? Мерсо-чи, ўзининг мудҳиш ишини қандай изоҳлайди?

У қамоқда 11 ой ўтиргач, вақт ҳақидаги тушунчалари аста-секин хира тортиб, хотирасини панд бера бошлаган. Бошланган суд жараёни давомида судья ва бошқа иштирокчилар айблов борасида сира бир тўхтамга кела олишмайди. Мерсо булардан таажжубда, негаки, бутун жараён гўё қўпол ҳазилга, ҳажв ёки майнавозчиликка ўхшаб бораётган, бунда ҳаракатдаги бош шахслар эса айнан прокурор ва адвокат эканлигини янада кулгили эди: «*Oui, s'est-il écrié avec force, j'accuse cet homme d'avoir enterré une mère avec un sœur de criminel*». – *Маъноси*: «Ҳа! – деди у. – У онасини дафн этишдан аввалроқ ўз юрагида жиний туйғуларни асраб келган». Прокурор ўзининг ҳақлигини ва аҳдида қатъийлигини оид сўзлари куйидагича: «...*Sous l'aveuglante clarté des faits d'abord et ensuite dans l'éclairage sombre (антитеза) que me fournira la psychologie de cette âme criminel (гипербола)*»². – *Маъноси*:...у (прокурор) деди: «...Бу жинийлик руҳ, аввалига ёрқин далиллар шуъласида, кейин эса гуноҳларнинг машъум ёғдусида жавоб беради». Муаллиф прокурорнинг хатти-ҳаракатларини антитеза ва гиперболаларни қўллаш орқали етказиб беради.

Суд маслаҳатчилари сессиясининг сўнгги куни эълон қилинади: прокурор Мерсонини тошбағирликда айблаб, ўлим жазосини талаб қилган ҳолда қаҳрли маъруза қилади. Ўлими олдидан Мерсо хузурига яна руҳоний келади. Аммо, худосиз даҳрий Мерсо тавба қилиш ўрнига, бутун қаҳр-ғазабини нафратини руҳонийга тўкиб солади: «... *je m'ouvrais pour la première fois à*

¹ Camus A. *L'Étranger*. – P.: Gallimard. – P.95.

² Ibid., p.147.

la tendre indifférence du monde... il me restait à souhaiter qu'il y ait beaucoup de spectateurs le jour de mon exécution et qu'ils m'accueillent avec des cris de haine»¹. – *Маъноси*: «...ўзимни буткул тақдир ҳукмига топширдим... Қатл кунимга имкон қадар кўпроқ одам тўпланиши ва мени нафрат нидолари билан кутиб олишларини истар эдим». Мерсо – абсурд одам, у ўз туйғуларини асло яширмаган, боз устига, унинг ягона истаги – дунё уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилса бўлгани эди. Ёлғон ва иккиюзламалик бўлмаса. Афсус, оқибатда у инкор этилди, айбсиз гуноҳкор, «унсиз лоқайдлик» қурбони бўлди»². Бу ҳол Кафканинг «Жараён» романига уйқаш: инсон жамият томонидан айбланади. Буни, ўз моҳиятига кўра, «Бутун Коинот иши бўйича жараён» дейиш мумкин.

Камю абсурд асар ва ўзининг энг абсурд қаҳрамонини яратиб, унда экзистенциализм фалсафасини буткул акс эттиришга уринди. Негаки, Мерсо юзаки қараганда оддий кўринса-да, аслида жуда кўпқиррали, мураккаб образ. Альбер Камюнинг «Бегона» қиссаси лоқайдликка қарши ва кулфатга учраган одамларни ҳимоя қилишга даъват қилувчи китобдир.

1947 йилда А. Камюнинг «Вабо» романи нашр этилади (*La Peste*, 1947). Адиб ижодининг мазкур босқичи марказида ҳам яна ўша-ўша «абсурд»ни кўрамиз. Шунинг эътиборига олган ҳолда, мутлақо тушунарлики, роман воқеалари «194...- йили Жазоирда тўсатдан бошланган эпидемия» хусусида эмас, балки одамлар учун вабодан кам бўлмаган бошқа офат ҳақида аллегория воситасида фикр юритилади. Бундан ташқари, романинг турли талқиндаги бир қанча номлари ҳам мавжуд: «Уруш», «Худонинг қаҳри», «Инсон айби», «Офат»... Роман бош қаҳрамонларидан бири бўлмиш руҳоний Панлю, ўз маърузаларидан бирида Оран шаҳридаги вазиятни Инжил сюжети билан таққослайди: сув тошқини, Содом ва Гоморра шаҳарларининг вайрон этилиши, ўнта мисрлик қатли ва Иова синовларини эсга олади: «Depuis le début de toute l'histoire , le fléau de Dieu met à ses pieds les orgueilleux et les aveugles. Méditez cela et tombez à genoux»³. Руҳоний фикрича, эпидемия Арши Аълодан юборилган илоҳий жазо: бунинг исботи ўлароқ эпидемия аввалида шаҳарга ёққан «шаррос жала»ни («pluies diluviennes»⁴) эсга олади. Оран аҳли, олдинда уларни фақатгина ўлим кутаётганини англайдилар: «Ils éprouvaient ainsi la souffrance profonde (la métaphore) de tous les prisonniers et de tous les exilés (l'hyperbole), qui est de vivre avec une mémoire qui ne sert à rien... Impatients de leur présent, ennemis de leur passé et privés d'avenir, nous ressemblions bien ainsi à ceux que la justice ou la haine humaines font vivre derrière des barreaux (l'hyperbole)»⁵. – *Маъноси*: Улар барча қувғин ва маҳбусларга хос азобларни бошдан кечирдилар (муболаға), инсон – хотира ила тирик, агар бу хотира кераксиз бўлса, унда яшашдан не фойда? Улар чеккан азоб-уқубатнинг моҳияти ҳам шундан иборат.

¹ Camus A. *L'Étranger*. – P.: Gallimard. – P.147-156.

² Камю А. Избранное. Посторонний. Чума. Эссе и рассказы. – М.: Радуга, 1988. – С. 95.

³ Camus A. *La Peste*. – P.:Edition Bélin/Gallimard, 2012. – P. 98.

⁴ Ibid., p.36.

⁵ Ibid., p.77.

Роман, тўғрироғи, мажозий роман, бизни беихтиёр абсурд ва инсон тақдири ҳақидаги фикрга қайта етаклайди. Роман хроника (йилнома) услубида битилган. Жазоир қирғоғидаги француз префектураси Оран номли аллақандай шаҳарнинг 194... йиллардаги хроникаси: «À première vue, Oran est, en effet, une ville ordinaire et rien de plus qu'une préfecture française de la côte algérienne. La cité elle-même, on doit l'avouer, est laide. D'aspect tranquille, il faut quelque temps pour apercevoir ce qui la rend différente de tant autres villes commerçantes, sous toutes les latitudes. Comment faire imaginer, par exemple, une ville sans pigeons, sans arbres et sans jardins, où l'on ne rencontre ni battements d'ailes ni froissements de feuilles, un lieu neutre pour tout dire ? Le changement des saisons ne s'y lit que dans le ciel...»¹ – *Маъноси*: Оран, бир қарашда, оддий шаҳар, Жазоир қирғоқларидаги француз префектурасининг шаҳарларидан бири. Шаҳарнинг кўримсизлигини тан олиш керак. Тинчлик ниқоби остида бир-қанча вақт ўтиб, савдо-сотик билан шуғулланадиган бу каби кўплаб шаҳарларга ўхшамаслигини англаб олишимиз мумкин. Кабутарсиз, дарахт ва боғлар йўқ, қушлар қанотларини қоқмайдиган, барглар шивирламайдиган, ўзига жалб қилмайдиган шаҳарни қандай тасвирлаб бериш мумкин? Фасллар алмашишини эса осмоннинг рангига қараб тушуниш мумкин...

